

ЎТМИШГА НАЗАР

3 - МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 3

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE - 3



Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адҳам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдишвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор,
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Алима Ауанасова ҚОЗОҒИСТОН ХАЛҚ АССАМБЛЕЯСИ – МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА БИРДАМЛИКНИНГ САМАРАЛИ МОДЕЛИ.....	5
2. Максим Моисеев РОССИЯ ПОДШОЛИГИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИГА ОИД ЯНГИ ТОПИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР.....	11
3. Рахбар Холиқова TURKISTON O‘LKASIDAGI MILLIY OZODLIK HARAKATLARI TARIXIDAN (MARDIKORLIKKA SAFARBARLIK VA UNING OQIBATLARI).....	21
4. Ибройим Махкамов, Хамиджон Шахобов, Умида Носирова ЖАДИДЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ.....	29
5. Дурдонахон Муродова ЖАНУБИЙ ФАРҒОНА ШАҲАРСОЗЛИГИДА МАРФИЛОН. ДАСТЛАБКИ АНТРОПОГЕН ЛАНДШАФТЛАР (ЁЗМА МАНБАЛАР ВА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА).....	36
6. Авазбек Мирзаев ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ПАХТА САВДОСИ ВА ТОЛАНИ МЕТРОПОЛИЯГА ТАШИБ КЕТИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ.....	42
7. Саҳодат Муртазова “МАҚОМ” ФЕСТИВАЛИ – ХАЛҚАРО МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ.....	48
8. Шухратжон Абдуллоев БУҒДОЙНИНГ ИЛОҲИЙЛАШТИРИЛИШИ БЎЙИЧА МОДДИЙ ВА ЁЗМА МАНБАЛАР.....	54
9. Исломбек Бобожонов ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАРИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДАГИ МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК (1991-2019 йй.).....	63
10. Бобурмирзо Ботиров ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИГА ОИД ҚУРЪОНИ КАРИМДА КЕЛГАН НОРМАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	69
11. Хумоюн Назаров ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯНИНГ КУШОН ДАВРИ ҚЎҲНА ШАҲАРЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИДАН.....	81
12. Баҳрам Намозов ҚУТЛУҒ БАШАРОВ ИЖОДИГА НАЗАР.....	90
13. Файзулла Очилдиев XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР ВА СОЛИҚ ТУРЛАРИ.....	96


14. Turdigul Omirzakovna QORAQALPOQ XALQINING XOTIRALARIDAGI VA MEMUARLARIDAGI IKKINCHI JAHON URUSHI.....	105
15. Мухиддинжон Примов XX АСРНИНГ 60-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН КАРТОГРАФИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИГА ДОИР.....	113
16. Азиз Равшанов ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИГА ҚИСҚАЧА НАЗАР (1991-2020 йиллар).....	120
17. Гулчехра Рахимова ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДА ЭКОЛОГИК ҲОЛАТНИНГ ЎЗГАРИШ САБАБЛАРИ.....	127
18. Екатерина Смесова ВЕРА КОМИССАРЖЕВСКАЯ ВА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИНИНГ ТЕАТР САНЪАТИ ТАРИХИ САҲИФЛАРИДАН.....	134
19. Жасур Савриев НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ “РАБОТИ МАЛИК” ҚАРВОНСАРОЙИНИНГ ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАСИ ВА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ТАЪМИРЛАНИШ ТАРИХИ.....	140
20. Музаффар Тожибоев ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАРИХИНИНГ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.....	156
21. Сайёра Тураева ЧОР РОССИЯСИНИНГ ЎРТА ОСИЁГА 1840 ЙИЛЛАРДАГИ ЭКСПЕДИЦИЯЛАРИ: ГЕОЛОГИК ВА ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ АСПЕКТЛАРИ.....	163
22. Тўракул Ҳасанбоев ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА (ЁЗМА МАНБАЛАР АСОСИДА).....	170
23. Шермухаммат Эрназаров МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИДА ТАРИХИЙ ВА СИЁСИЙ ОНГНИНГ АҲАМИЯТИ.....	176
24. Ахмеджон Юсупов САРИҚАМИШБЎЙИ ВА УЗБОЙ САРҲАДЛАРИ ЁДГОРЛИКЛАРИДА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ТАРИХИДАН.....	185
25. Алишер Эсанов ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИ АСОСЧИСИ АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУНОЗАРАЛАР.....	193
26. Миролим Бердикулов ТЎДА-1 НЕОЛИТ МАКОНИ ТОШ ҚУРОЛЛАРИ (2017-2018 йиллардаги қазилма материаллари асосида).....	197

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Жасур Фахриддинович Савриев,
Бухоро давлат университети мустақил тадқиқотчиси,
Навоий вилояти Кармана туман касб-хунар мактаби директори
savriyevjasur71@gmail.com

НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ “РАБОТИ МАЛИК” КАРВОНСАРОЙИНИНГ ҚУРИЛИШ ЛОЙИХАСИ ВА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ТАЪМИРЛАНИШ ТАРИХИ

For citation: Jasur F.Savriev, CONSTRUCTION PROJECT OF RABOTI MALIK CARAVANSERAJ IN NAVOI REGION AND THE HISTORY OF RENOVATION DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE. Look to the past. 2020, Special issue 3, pp.140-155

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.6583087>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола Самарқанд ва Бухоро ўртасидаги Қорақум саҳросининг Чўли Малик қисмида жойлашган қорахоний ҳукмдорларнинг Работи Малик дашт саройи меъморий реконструкциясига бағишланган. Мақолада XIX асрдан бошлаб ҳозирги кунгача олиб борилган археологик ва меъморий тадқиқотлар, тайёрланган чизмалар, фотосуратлар асосида XI-XII асрларга оид бу ноёб саройнинг дастлабки меъморий реконструкцияси ва мустақиллик йилларида қайта таъмирланиши ҳақида фикр юритилади.

Таянч сўзлар: подшоҳ қароргоҳи, меъморчилик, равоқли айвон, ҳашаматли ҳовли, кувий ёзуви, равоқ, пишган ғишт, китоба, пилтавор, устун, кўшк, пахса, лойихалаштириш.

Жасур Фахриддинович Савриев,
Независимый исследователь
Бухарского государственного университета,
Директор Карманинского районного
профессионального училища Навоийской области
savriyevjasur71@gmail.com

ПРОЕКТ СТРОИТЕЛЬСТВА КАРАВАН-САРАЯ «РАБОТИ МАЛИК» В НАВОЙСКОЙ ОБЛАСТИ И ИСТОРИЯ РЕКОНСТРУКЦИИ ЗА ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена архитектурной реконструкции степного дворца караханидских правителей Работи Малик, расположенного в пустыне Каракум между Самаркандом и Бухарой. На основании археологических и архитектурных исследований, проведенных начиная с XIX в. и по сей день, а также планов, чертежей и фотографий исследуются ранняя

архитектурная реконструкция и реставрация этого уникального дворца XI-XII вв. в годы независимости.

Ключевые слова: королевская резиденция, архитектура, арочное крыльцо, роскошный двор, куфическая надпись, крыльцо, жженный кирпич, книга, пилтавор, колонна, павильон, пахса, оформление.

Jasur F. Savriev,
Independent researcher Bukhara State University,
Director of the Karmaninsky District
vocational school of Navoi region
savriyevjasur71 @ gmail

CONSTRUCTION PROJECT OF RABOTI MALIK CARAVANSERAI IN NAVOI REGION AND THE HISTORY OF RENOVATION DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE

ABSTRACT

This article is devoted to the architectural reconstruction of the Rabati Malik steppe palace of the Karakhanids, located in the Desert Malik zone of the Kara Kum Desert between Samarkand and Bukhara. Based on many studies, projects, drawings, photographs and archeological research conducted in the XIX century to the present day, the original architectural reconstruction of the unique palace, built in the XI-XII centuries, which was almost completely destroyed, was considered during the years of independence.

Index Terms: royal residence, architecture, arched porch, luxurious courtyard, Kufic inscription, porch, baked brick, book, piltavor, column, pavilion, poxsa, design.

1. Долзарблиги:

Бугунги кунгача жаҳон ҳамжамияти миқёсида тан олинган конвенцияларда тарихий обидаларни муҳофазалаш, консервация қилиш, таъмирлаш, замонавий қиёфаларини тиклаш масалалари кўриб чиқилди. Республикамиздаги тарихий обидалар, муқаддас қадамжолар, қарвонсарой, сардоба ва қадимий кўхна ҳаммомлар қайта тикланиб қурилди ва баъзилари бугунги кунда очик осмон остидаги музей сифатида музейлаштирилди. Жумладан, Кармана туманидаги Кармана Бухоро йўли устида қурилган бугунда қайта тикланаётган “Буюк ипак йўли”нинг фахри ва ғурури “Сардоба” ва “Малик Работ” – қарвонсаройи бунга яққол мисол бўла олади. Меросимизни таъмирлаш муаммолари – маълум бу санъат ва маданият асари ҳамда ёдгорликларни таъмирлаш эмас, балки бу энг аввало миллатнинг маънавий бойликлари билан боғлиқдир. Бу эса мавзунинг долзарблигини белгилайди.

2. Методлар:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-манتيкий таҳлил, кетма-кетлилик, изчиллик, холисоналик каби тамойиллари асосида ёритилган.


3. Тадқиқот натижалари:

Тарихий ёдгорликларнинг кўпчилиги Кармана ва унинг атрофида жойлашган бўлиб, узоқ йиллар тарих силсилаларига бардош берган ва ўз тарихий обидаларини асрлар оша авайлаб келган. Бу обидалар эса бевосита Навоий вилоятининг Кармана туманини обод этилиши билан узвий боғлиқ ва воҳа тарихининг кўпгина қиррасини очиб, унинг янада кўркамлашини касб этади.

Карманадан 18 км ғарбда жойлашган, Чўли Маликда барпо этилган, ўз даврининг буюк қасрларидан бири бўлган Работи Малик қарвонсаройи Марказий Осиёдаги энг қадимги монументал архитектура ёдгорлиги ҳисобланади [1]. Навоий аэропорти ёнидан автомагистрал бўйлаб Бухорога ўтиб кетаётганларнинг албатта қадимги харобаларга кўзи тушади. Улар орасида Европанинг пойтахт шаҳарларидаги баланд қасрларга ўхшаш олтинранг дарвоза айниқса ажралиб туради. Сал чеккароқда унча катта бўлмаган тош гумбаз кўзга ташланади... Работи-Малик- Марказий Осиёдаги ўрта аср тарихи ва маданиятига энг

ажойиб ёдгорликлардан биридир ушбу ёдгорликлар фан, санъатшунослик, архитектура соҳасида ўзбек халқининг маънавий-маърифий равнақи тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлиб, алоҳида ўрин тутаяди. Работи-Малик Қорахонийлар даври меъморчилигининг мумтоз намунасидир. Унда Сомонийлар даври қурилиш соҳасининг энг яхши анъана ва ютуқлари акс этиб, Марказий Осиё меъморчилиги, ҳамда амалий безак санъати янада юксалишида яловбардор бўлади.

Работи Малик ёдгорлиги Шарқ ренессанси даврининг ғоят муҳташам, улкан, қурилиш архитектураси жиҳатидан тенги йўқ, пурвиқор обидаси саналади. У милодий 1069-1079 йилларда Қорахоний подшоҳ Шамсулмулк Иброҳим (1068-1080) томонидан Буюк ипак йўли устида қурилган [2]. У ҳақда дастлабки маълумот ва кўриниши 1841 йилда рус экспедицияси таркибида юртимизга аслида рус давлатининг элчиси сифатида келган А.Леманнинг хотиралари ва чизгиларида сақланган. Мавжуд таърифлар, чизмалар ва эски фотосуратлар, шунингдек археологларнинг тадқиқотларига кўра Работи Малик анча нуфузли кўринишга эга эди. Айниқса, унинг ташқи жанубий қисми бадиий-амалий беаги ва меъморчилик шакллариининг бойлиги, тантанавор қадди-қомати билан катта таъсурот уйғотади.



А.Леман томонидан 1841 йилда тахминий чизилган ва сарой қолдиқлари суратга олинган


Рус экспедицияси аъзоси А.Леман обиданиннг ўша вақтдаги ҳолатини тасвирлаб, саройнинг олд қисмидагина қолган пештоқли дарвоза, унинг ғарбий тарафидаги девор бўлаги ва бузилган минораниннг бир қисмини тасвирлаган. Охириги 100 йилликда ноёб ёдгорлик тамоман бузилиб, фақатгина кириш дарвозаси қолган [3]. Ҳозирги вақтда Работи Малик карвонсаройининг асл ҳолати ер юзидан деярли бутунлай йўқ бўлиб кетган. Кимсасиз чўл ўртасида ёлғиз пештоқ қолдиғигина қад ростлаб турибди. Одамлар уни Работи Малик эмас, “Бухоро дарвозаси” деб атаётган бошлаган. XIX асрнинг 40 йилларида қайд этилган бой безакка эга маҳобатли, улуғвор иншоотнинг харобаси ҳозирда мувофиқ тарзда қайта-қайта ўрганишни, асл ҳолатидаги методларни талаб қилувчи археология ёдгорлигига айланган [4].

Ўтган асрда Работи Малик карвонсаройи бўйлаб бир неча бор археологик қазилмалар ўтказилган. Дастлаб 1928 йил ноябрь ойида ундан кейин 1937 йил баҳорида, ва 1973-1977 йиллар олимлар В.В.Бартольд, В.А.Лавров, Г.А.Пугаченкова, П.Ш.Зоҳидов, А.С.Саъдуллаев, М.Е.Массон, Э.В.Ртвеладзе, Л.Ю.Маньковская, Н.Б.Немцева, А.П.Колбинцев, М.Қ.Ахмедов, А.С.Ўролов, Б.А.Қодиров, Т.Ф.Қодирова, А.Зияев, А.М.Салимов ва бошқаларнинг ишларида акс эттирилди. Эътиборлиси шундаки, тарихчи олимлар томонидан яқин вақтгача Работи Малик карвонсаройи деб талқин қилинган эди. 1999 ва 2001 йилларда таниқли олима Н.Б.Немцева томонидан ўтказилган илмий тадқиқотлар ва қазилма ишлари Работи Малик карвонсаройига нисбатан қарашларни тубдан ўзгартириб юборди. Гап шундаки, ушбу археологик ўрганишлар натижасида олима мазкур ёдгорликни Буюк Ипак йўли устида қурилган шоҳ саройи деб хулоса берди [5], ва бу фикрни яна бир исботи сифатида Олмаҳон Ҳайтова ва Хуршид Қурбоновлар ҳамкорлигида ёзилган “Қармана тарихи” номли китобида ҳам Работи Малик, Чўли Маликда барпо этилган, ўз давриининг буюк қасрларидан бири бўлган деб айтиб ўтганлиги фикримизни яққол исботидир [6].

Рус шарқшуноси В.В.Бартольд: “Қорахонийлар кўчманчи ҳаёт кечиришларига қарамай мамлакат ҳукмдорлари зиммасида бўлган шаҳарларни юксак ва гўзал қасрсимон иморатлар билан безаш, катта йўл бўйларида работлар кўшқлар қуришда ўз ифодасини топадиган юмушларни бажарганлар” [7], деб ёзган эди. “Работ” сўзи арабчадан “Мустаҳкамланган қароргоҳ”, “Ижара ҳовли” каби таржимаси мавжуд. Қорахонийлар даврига оид қурилиш маданиятида асосан пиширилган ғиштдан ишлатилганлигини кўриш мумкин. Пишган ғишт Ўрта Осиё қурилиш маданиятида милоддан аввалги III-II асрлардан бошлаб қўлланиб келинади. (Пугаченкова, 1949. С. 202-208). Антик ва илк ўрта асрларда пишиқ ғишт асосан, ёрдамчи материал сифатида қўлланилиб, аксарият ҳолларда ҳовлилар ва хоналар юзасини, супалар ёнларини қоплашда ишлатилган (Хмельницкий, 1996. С. 47-48; Кубаев, 2015. 60-65 бетлар).


Ўрта Осиё ҳудудида пишиқ ғиштлардан, бевосита асосан қурилиш материали сифатида фойдаланиш VIII аср ўрталаридан бошланган бўлиб бу ҳақида ал-Истаҳрий асарида қайт этилган. Абу Муслим томонидан бунёд этилган иншоотни мисол қилиб келтириш мумкин. (Материалы по истории, 1939. - С. 172). Қорахонийлар даврида бир қатор шаҳарлар қарвонсаройлар мадраса, мақбара, масжид, ҳаммом, шифохона, ҳонақо каби кўплаб монументал иншоотлар ҳамда турар жойларни қуришда пишиқ ғиштдан кенг фойдаланганлигини кўриш мумкин. Чунки улар асосан қайси ҳудудда қурилиш ва меъморчилик иншоотларини қуришдан қатъий- назар ўзлари томонидан ҳудудларда пишиқ ғишт ишлаб чиқариш учун катта-катта хумдонлар қурганлигини мисол келтиришимиз мумкин. Ўрта Осиёда аниқланган Қорахонийлар даврига тегишли қадимги ғишт пишириш хумдонлари X-XII асрларга оид бўлиб, улар Эски Термиз, Кува ёдгорликлари атрофи, Султонқалъа ёдгорлиги, Афросиёб ва унинг атрофида, XI аср бошларига оид ғишт пишириш хумдонлари Сиёб дарёсининг шимол томонида, Авлиёттепа ёдгорлиги атрофида, Самарқанд шаҳрининг шимолида жойлашган Чўпонота тепалигининг Зарафшон дарёсига яқин ҳудудида ҳам пишган ғишт ишлаб чиқаришга асосланган хумдонлар қолдиқлари топилган. Шу манбалардан келиб чиққан ҳолда айтишимиз мумкинки Работи Малик қарвонсаройи қурилишида ҳам қадимги Мовароуннаҳр (Самарқанд шаҳри) атрофидаги Афросиёб ғишт пишириш хумдони, Сиёб дарёсининг шимол томонида жойлашган Авлиёттепа ғишт пишириш хумдони, Чўпонота тепалигининг Зарафшон дарёсига яқин ҳудудидаги ғишт пишириш хумдонларидан хомашё сифатида фойдаланилган, ва қўл кучи ёрдамида ташиб келтирилган [8].

Унинг “Работи Малик, XI-XVIII асрлар” археологик илмий асарида: “Мазкур обида Қорахонийлар ҳукмдорининг қароргоҳи сифатида бунёд этилган. Унинг қурилиш тарихи Марказий Осиёдаги бошқа қарвонсаройларга мутлақо ўхшамайди. Бу каби бетакрор муҳандислик ғояси, мураккаб меъморчилиги, турли ранглардан жило бериб саройлардек безатилиши ва иншоотларнинг кўплиги жиҳатидан подшолар шох саройини эслатади”, деб ёзган. Работи Малик сарой типига ягона ёдгорлик, унинг қолдиқлари археологик жиҳатдан маълум микдорда ўрганиб чиқилган. А.Леманнинг 1841 йилда ишланган суратида кўрсатилганидек “Шох кўрғони”нинг атрофи икки қаторли қалъа девори билан ўраб чиқилган бўлган. Суръатда кўрсатилишича Работи Малик бош фасад пештоқи рўпарасида иккинчи кириш пештоқи ва тупроқ девор қайд этилган. XX аср 20 йилларининг эски фотосуратларида иккинчи халқа девор тупроқ қолдиқлари кўринган.



Работи Малик карвонсаройининг 1926 -1940 йиллардаги ҳолати фотолавлари

1841 йилда Работи Маликни кўзи билан кўрган ва унинг расмини чизган А.Леманн ўз хотираларида бу жойлардаги иморатни ёнида каттароқ қишлоқ бўлганлиги ва уни ҳаробалари ва гўзал боғлар ҳақида ёзади [9]. XIX аср охири XX аср бошларида Работи Малик карвонсаройи атрофида анча қисқа вақт мавжуд бўлган ва “Работ” номи билан танилган бир қишлоқ ҳам вужудга



келган эди, деб таъриф бериб ўтади А.Леманн [10]. Бу қишлоқдаги кичикроқ уйларда хунармандлар эгарсозлар, этикдўзлар, тикувчилар, шунингдек хизматкорлар сув ташувчилар, чорва моллари ва бошқа ҳайвонлар учун озиқа ташувчилар, карвонларга йўл кўрсатувчилар, ошпазлар ва бошқалар яшашар эди. Уларнинг хоналари бир-бирига тутшиб кетганлиги мисол килиб келтирилган.

Ваҳоланки айнан қишлоқни шу атрофда пайдо бўлиши ва ривожланиши сўнгра яна кум бағрига сингиб кетиши албатта Работи Малик карвонсаройининг тараққий ва таназзулга юз тутиши билан

А.Леманн тасвирлаган “Работ” қишлоғининг кўриниши шубҳасиз боғлиқ бўлган. XIX аср охирида Работи Маликдаги саройлар анча ҳаробага айланганлиги Н.Маев экспедицияси давомида аниқланган [11]. Работи Малик карвонсаройи XVIII аср охирларигача хизмат қилган.

Работи Малик карвонсаройининг бугунги кунда Бош пештоқидан ташқари бинонинг ички тарихи аллақачон бузилиб вайронага айланган ва тупроқ остига сингиб кетган.

Работи – Малик чорси ҳовли ва атрофини ўраган хона – хужралардан иборат бўлиб, унга жануб томондаги пештоқли дарвоза орқали кирилган. Бино ташқи кунгурадор деворларининг узунлиги 100 метрга яқин бўлиб, баландлиги 12 метргача бўлган. Деворларининг баландлиги икки қаватли бўлганлигидан дарак беради. Работнинг ўртасида улкан пештоқ бўлиб, унинг бўйи 18 метр, эни 12 метрни эгаллаган. Дарвоза қурилиши жиҳатидан Марказий Осиёдаги энг қадимги меъморий бино ҳисобланиб, унда саккиз киррали юлдузлар, турли геометрик шакллар мавжуд бўлиб, пештоқ чеккасида икки бурж ясалиб, улар ўзаро баланд девор билан ўралган. Девор ўртасида пилтавор буржлар қатори тепаси кичраювчи аркасимон равоқлар билан боғланган [12]. Аркасимон равоқлар бутун периметри бўйлаб ғиштдан ишланган арабий хуснихатда, яъни (куфий ёзуви) яратилган терракота китоба билан зийнатланган бу ёзувларнинг бир қисми ҳозирги кунда ҳам сақланмоқда. Работи Малик (подшоҳ қароргоҳи) улкан бино, яъни томонлари 86м.кв шаклда ҳамда отлар учун қурилган равоқли айвон (галерея)ларга эга бўлган. Унинг ортида ҳашаматли ҳовли жойлашган бўлиб, бу ердан энсиз ўтиш жойи орқали бош хонага олиб борилган. Унда ўн қатор қилиб, олтитадан баланд эшик устунлар ўрнатилган. Устунлар ўрни ҳозирга қадар сақланиб қолган. Работи Малик карвонсаройи деворлари ўзаги хом ғиштдан

(28x28x6,5 см) терилган, ташқариси пишиқ ғишт яъни бу пишиқ ғиштлар Қорахонийлар давлатининг махсус хумдонларида пиширилган бўлиб (24x24x4 см) билан қопланган, умумий майдони 400 м² атрофида бўлган[13]. У Ўрта Осиёдаги энг йирик, бешта турли хашаматли ҳовлига эга бўлиб, деворларининг тўртта бурчагида 18 метрли 4 та минора бўлган ва “Гулдаста” деб аталган. Карвонсаройда шу билан бир қаторда, бетоб меҳмонларга тиббий хизмат кўрсатиш хонаси (дармонгоҳ) ва йўловчиларнинг ғусл қилиб олишлари учун махсус ҳаммом ҳамда жамоатхона масжид ҳам бўлган. Бу ерда 1920-йилларда тадқиқот ўтказган Самарқанд Давлат Университети профессори И.И.Умняков дарвоза пештоқида куфий ёзувини топади. Бу ёзувга ва бошқа маълумотларга кўра Работи Малик қурилиши Қорахонийлар даври ҳукмдори Шамсул-Мулк Носир (1068-1080)га тааллуқли бўлиб, Мовароуннаҳрдаги жуда кўплаб йирик қурилишлар унинг номи билан боғлиқ. 1970-йилларда ўтказилган археологик тадқиқотлар Работи Малик анча олдин, Сомонийлар (X аср) давридаёқ мавжуд бўлиб, исломнинг бизнинг ўлкамизда қарор топиши ва тарқалиши даврида “ғозийлар”–“этикод учун курашувчиларнинг” кўрғони ва ҳимоя маскани сифатида хизмат қилган деган тахминга асос бўлади.

Айтиб ўтилганидек, Работи Маликнинг бош дарвозаси пештоқида девор юқорисида форсча ёзув бўлиб, И.И.Умняковнинг таъкидлашича [14]. Жаҳон султони ушбу гўзал ва шинам бинони халқнинг тўхтаб дам олиши учун барпо этган. Бу карвонсарой Худонинг марҳамати бўлиб, улуғворлигини ўзида сақлаб қолган. Бу гўзал бинонинг майдони ва айвони жаннатмакон жойга айланган... деган сўзлар битилганини ўқишга муваффақ бўлган. Бу ёзувларнинг баъзи ҳарфлари девор пештоқларида кўринса, айримлари қайта таъмирлаш жараёнида деворнинг юқори шўрланиши таъсиридан тушиб кетган. Жануби – ғарбдаги минора ёзувида эса, Қуръони Каримнинг Нисо 13-сурасидан оят битилган бўлиб, И.И.Умняковнинг илтимосига кўра А.Э Шмидт томонидан ўқиб чиқилган текст Қуръоннинг 3-сурасини ўз ичига олади (16-17 оят). Шунингдек, ҳозир ҳам эътибор бериб қаралса, кўшк остида ганчдан ясалган ва пишган ғишт рангида бўялган икки қатор йирик шарафа куфий ёзув қолдиқлари кўзга ташланади. Н.Б.Немцованинг қазилма вақтида топилган ашъвий далилларига асосланиб ёзилган Работи Малик мажмуаси таркибида кўплаб хона ва хужралар, отхона, олди очиқ айвонлар, ем-хашак сақланадиган махсус омборлар, ҳаммом, сартарошхона кийим бош тикадиган тикувчилик хоналар, ҳам бўлган. Работи Малик карвонсаройининг ҳовли ичкарасида айлана шаклда каттагина майдон супа бўлган ва бу ҳозирда ҳам маълум қисми сақланиб қолган. Бу майдонда яъни супада турли мамлакат ва вилоятлардан келган савдогарлар олиб келган молларини маҳсулотларини шу ерда ким ошди савдоси орқали сотишга ёки айирбошлашга келишиб олишган. Шундан келиб чиққан ҳолда айтишимиз мумкинки, карвонсаройнинг орқа томонида кичкина бозор ҳам шаклланган бўлиб, бу ерда турли ўлкалардан келган савдогарлар, сайёҳлар ва йўловчи фуқаролар ўзларига керакли маҳсулотни айирбошлаб, ёки саррофлар ҳизматидан фойдаланиб, ёки узоқ йўл босиб, турли хил йул ва чул касалликларини даволаш мақсадида ҳам табиблар ҳизматидан фойдаланган десак ҳақиқатга яқин бўлади. Транзит йўллар бўйлаб шаклланган карвонсаройлар одатда “работ” деб номланган ҳамда у ерда нафақат савдогарлар ва уларнинг уловлари, балки зиёратчилар, саёҳатчилар давлат арбоблари ва элчилари ҳам тўхтаб ўтишган. Шунинг учун работлар таркибида хўжалик ҳовлилари ва хоналари оғилхоналар омборхоналар яшаш ҳовлиси ва хоналари дам олиш хоналари, масжид, ошхона, ҳаммом сардоба ва бошқа зарур хоналардан ташқари кўшин ҳамда қоровулбошилар учун махсус хоналар қурилган. Аксарият карвонсаройлар ўзининг катта кичиклигига қараб бир нечта кудук ва саройларига эга бўлган.



1999-2001 йилги археологик қазилма пайтида бўйи 12 метр, эни 4,5 метрли масжид қолдиғи топилди. Унинг меҳроб қисми 1956 йилда қурилган магистрал М-37 йўли қурилиш ишлари олиб бориладиган вақтда бўлакраниб эксватор кран ковушларида йўлсоз қурувчилар томонидан бузиб ташланган. Худди шунингдек, майдони 20-15 метрли олди Шарқ томонга қараган ҳаммом биноси, 150дан ортиқ отларга мўлжалланган отхонанинг ўрни ҳам аниқланди. XX асрнинг иккинчи ярмида катта автомобил магистрал йўлининг айнан Работи

Малик карвонсаройи ўртасидан ўтиши бу ўша давр мафкурасининг сиёсий иши бўлиб, маънавиятни, ўзлигимизни, тарихимизни йўқотишга қарши қаратилган иши деб ҳисоблайман. 1930-1940 йилларида ҳам карвонсаройнинг бош фасадининг асосий қисмини кўриш, иморат бақувват пештоқининг ҳар иккала томонида сидирға, равоқсимон тоқчалар ва қат-қат бурма нақшлар билан безатилган деворлар қад ростлаб турганини кузатиш мумкин эди. Работи Малик карвонсаройи ҳам икки ҳовлини сарой ҳисобланиб, биринчиси яъни ташқиси хужаликка мўлжалланиб иккинчи ҳовли яшаш ва ҳордиқ чиқариш учун энг арзон хоналардан тортиб энг қиммат ҳамма шароити муҳаё булган хоналарга ҳам эга бўлган. Работи Малик карвонсаройи кўп ҳовлини ҳисобланишини мисол қилиб замондошларини ҳайратга солган Султон Санжарнинг Марвдаги ноиб Абу Тоҳир ибн Саъд томонидан Нишопур Марв йўлида барпо этилган ва энг маҳобатли ҳисобланган. Работи Шариф карвонсаройи ҳамда Абдуллахон II томонидан Қоровулбозорда қурилган йирик карвонсарой ва бошқаларни киритиш мумкин [15]. Работи Малик Карвонсаройи бу шаҳар типигади карвонсаройга хос чунки авваламбор бу меъморчилик лойихаси нуқтаи назаридан икки ошиёни, яъни ташқи ва ички ҳовлилари мисолида кўришимиз мумкин. Унинг биринчи ошиёнида дўкон ва омборлар мавжуд бўлган ва савдогарлар савдо қилишган иккинчи ошиёнида эса хужралар жойлашган айтиб ўтганимиздек нархи оддий фуқародан тортиб савдогар ёки амалдоргача ўзгариб турган. Шунинг учун бу карвонсарой улгуржи савдо олиб боришини натижасида ҳам улгуржи товарларни айирбошлайдиган ёки сотадиган савдо нуқтаси ҳам ҳисобланган

Карвонсарой хужраларига кўп холларда 10 тадан 15 тагача йуловчилар яшаган. Шу сабабли унинг олдида йирик қишлоқ вужудга келган [16]. Бу қишлоқ харобалари ҳозирги Тошкент Бухоро автомагистрал йўлининг Тошкентдан кириб келишдаги чап томонида харобалари мавжуд бўлиб, 1940 йилларда йўлни қайта таъмирланиши ва Работи Малик карвонсаройининг олд томонидан ўтган жойда асфатланиш жараёнида буткул йўқолиб кетган.

Бу Мовараунахрнинг мўгуллар давригача бўлган ўрта асрлар меъморчилиги дурдонасини қадим ёдгорликларни муҳофаза қилиш давлат органлари кўзи олдида йуқ қилиниши эди. Работи Малик Карвонсаройида археологик қазишмалар уни ўрганиши, қурилиши, меъморчилиги ва тузилиш давомийлиги (1973-2001й) давомида 20 дан ортиқ техник сабабларга кўра танаффус билан қайта ўрганилди. Натижада унинг яна бир бор квадрат шакли план асосида қурилгани (ташқи ўлчамлари бўйича 91-91 м), икки қисмга – жанубий хўжалик ва шимолий гўзал қилиб безатилган турар жой қисмларига бўлинган кўп ҳовлини сарой эканлиги яна бир бор фанда исботланди [17].

Чўлда “ Шох қалъаси”нинг бунёд этилиши комплекс маълумотлар бўйича аниқланганлигидек, XI аср охирига, реконструкция ишлари эса XVIII аср бошларигача давом этган [18]. Ушбу иш бўйича археологик ишлар материаллари XX аср ўрталаригача сақланган. Карвонсаройни ҳеч бўлмаганда йуқ бўлиб кетган ўрта асрлар дурдоналари иншоотининг ташқи ва ички кўринишини қайта тиклаш бўйича иш олиб борилган.



Работи Малик карвонсаройининг олд томонидан магистрал йўлнинг асфальтланиш схематик харитаси.

Работи Малик карвонсаройнинг 1997 йилдаги дастлабки қайта тикланган кўринишидан фото лавҳа

Работи Малик Карвонсаройнинг бош фасади ташқи томони йўлга қараган қисми энг узоқ сақланган кириш пештоқи баландлиги хозирги кунда ер чўкиш ҳолатини ҳисобга оладиган бўлсак (18-19м баландлиги) девори қат-қат гофрировка қилинган кўринишда бўлиб (баландлиги 12 м) икки четида миноранинг ярим гулдаста бўлаклари билан яқунланган. Икки чети бақувват девори бўйлаб маҳобатли кириш пештоқига эга. Шу сабаб бош фасад карвонсаройнинг маркази ҳисобланган. С.



Хмельницкийнинг ёзиб қолдирган “Между арабами и тюрками” номли асарида келтиришича Чўлдаги “Шоҳ кўрғони”нинг айнан шу қисмлари Бухоро ўтмиш тадқиқотчилари эътиборини тортган ва Ўрта Осиё меморчилиги тарихи ва санъатиги қалъанинг ён фасадлари ҳеч қачон безакдор бўлмаган деган фикрни илгари сурган [19]. Работи Малик карвонсаройи бош фасади ва унинг икки томонидаги узун ҳимоя деворлари қурилиши бу архитектуравий- декоратив ва эҳтимол, илк бронза даврида машҳур бўлган (қадим Бактрияда эрамизгача 4-3 минг йилликлар охирида тегишли Мундигак саройи) мушофаа усули ўрта асрларда бутун Марказий Осиё бўйлаб кенг тарқалган.

Сосонийлар эрониди (Сервистондаги сарой-эрамизнинг 5 асри) шимолий Хуросон (Марвдаги Катта ва Кичик киз- қала, Нагим-қала), Сўғд (Варахша кўрғони) ва Хоразм (Тешик-қала, Аёз-қала) илк ўрта асрлар кўшиқларида кузатилишини айтиб ўтишимиз мумкин.

Карвонсаройнинг тўрт томонидаги гулдаста шаклида қурилган минораларнинг бирига узоқдан келадиган карвонларни йул белгиси сифатида чорлаш учун оловли маёқ билан чорлаб турган бўлса, яна бири баъзида намозга чақирувчи минорани ва бошқаси эса ҳимояланиш учун кўриқчи минораси вазифасини бажарган.

XIX аср охирида Работи Маликдаги саройлар анча харобага айланганлиги Н.Маев экспедицияси давомида аниқланган [20].

1924-1925 йиллар давомида Бухоро Халқ Республикаси ихтиёрида бўлган тарихий ёдгорликлар Средаз Комсторис (Ёдгорликларни асраш ва ҳимоя қилиш Ўрта Осиё ташкилоти) ихтиёрига ўтади. Средаз Комсторис 1925 йилнинг кузида Работи Маликнинг ҳаробаларини текшириш учун инженер В.А.Красильников ва археолог В.Р.Чейлиткони сафарга йўллайди. Улар бу жойни уз куллари билан қурганидан сўнг таъмирлаш ҳақида таклифлар киритадилар [21].

1926 йили археолог олим Мусо Саиджонов, В.К.Косткова, инженер М.М.Лочинов бошчилигидаги экспедиция Работи Маликда бир неча кун бўлиб, бу жойни ўрганиш ва қандай лойихалашганлиги режаларини тузади. 1927 йилда Б.Н.Засипкиннинг тавсияси билан Работи Маликда таъмирлаш ишлари бошланган [22].

1934 йил май ойида Кармана район ижроия комитети Работи Малик тарихий ёдгорлигининг ғиштларини олиб, бошқа қуриладиган қурилишларга яъни шаҳар қурилишидаги кўчалар йўлақларида оёқ остига ғиштларни теришда ишлатиш учун рухсат сўраб, Ўзкомстарис (Ёдгорликларни асраш ва ҳимоя қилиш Республика ташкилоти)га

муружаат қилади. Яхшиямки, ташкилот бу таклифни рад этиб, Работи Маликни бузишга қаршилиқ кўрсатади [23].

Шундан кейинги даврда Работи Маликни ўрганиш ва таъмирлаш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Фақат 1973, 1975, 1977 йилларда бир гуруҳ археолог ва архитекторлар Е.Брюховецкая бошчилигида Работи Маликда археологик тадқиқотлар олиб борадилар. Бу ишда Ўзбекистон Республикасидаги Маданият вазирлигига қарашли Ҳамза номидаги санъатшунослик институтининг Н.Б.Немцева бошчилигидаги олимлари ҳам иштирок этадилар [24].

Работи Малик ҳаробаларида Н.Б.Немцева бошчилигидаги бир гуруҳ олим ва тадқиқотчилар археологик тадқиқот ишларини олиб борган. Н.Б.Немцеванинг ушбу археологик тадқиқоти мустақиллигимизнинг дастлабки, яъни (1991-1992 йилларда) янги тарихий маълумотларни кашф этиб, улар қазилма жараёнида эски асфалт йўли қолдиқлари остидан Амир Темур даврида зарб этилган тангани ва озиқ-овқат сақлайдиган эски омборхона қолдиғини топади [25].

Демак, Работи Маликнинг улкан ҳудудда қорахонийлар даврида ташкил топиши, бир томондан, узоқ ва яқин вилоятлар ўртасида алоқаларнинг муттасил равишда олиб борилишига ҳамда савдо қарвон йўлининг жонланишига олиб келган бўлса, иккинчи томондан, хон ва подшоҳлар, шахзодаларнинг бундай йўллар орқали юришларининг узлуксиз бўлиб туриши қарвон йўлида нафақат оддий работи қарвонсаройларнинг қад кўтаришига, балки йирик шаҳарларда подшоҳлар учун ҳам махсус шоҳона, муҳташам работлар ва сардобалар қурилишини талаб этган.

Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асарида “Амирзода Жаҳонгир Бухоро вилоятига етиб борди. Амир Соҳибқирон эса Работи Маликка тушди. Амирзода Кармана мавзейида душманга етди. (Ёғийлар) ўзларининг баробар келмасликларини билиб, ўзбек вилоятига кетдилар ва Ўрисхон хузурида паноҳ топдилар ...” [26] Ёки тарихчи Хофиз Таниш Абрунинг маълумотига қараганда, Улугбек 1420 йилда ушбу минтақаларда тухтаб қирқ кун ов қилгани ва атрофида қишлоқ борлиги туғрисида айтиб ўтган.

Ёки бўлмаса, Анвар Қандахаровнинг “Бухоро хонлиги ва унда Карманалик шайхлар фаолияти” монографиясида келтирилишича, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам Кармана номини ўз асарларида қайд этиб ўтганлиги, хусусан Бобурнинг икки маротаба Карманадаги Работи Маликда тўхтаб ўтганлигига ишора бериб ўтади. Мисол учун, Шайбонихоннинг жияни Убайдуллоҳон 1512 йил 28 апрелда Бухоро воҳасидаги Чўли Малик (бугунги кундаги Навоий вилоятининг Кармана тумани кўзда тутилмоқда) деган жойда Бобур қўшинлари устидан ғалаба қозонди. Жанг Кармана яқинида Работи Малик атрофида бўлди [27]. Фикримча, шу тарихий фактлар ва асослантирувчи маълумотлар, Работи Маликни подшоҳлар қўналғаси сифатида тадқиқ этилишига айна тарихий ҳақиқат. Чунки Работи Малик топоними этимологиясининг ўзи “Подшоҳ Работи” маъносини англатади [28].

Навоий вилояти ҳокимлиги вилоят ҳудудида жойлашган тарих маданий ёдгорликларга алоҳида эътибор билан қараб, рўйхатга олинган 437 та маданий мерос объектларини, шундан 232 таси тарихий, 121 таси археологик, 63 таси меъморий ёдгорлик. Шундан 13 таси Республика ва 50 таси маҳаллий аҳамиятга эга, 48 таси эса монументал ёдгорликлар бўйича алоҳида ҳоким қарорига асосан йўл харитасини ишлаб чиқиб, қурилиш меъморчилиги тарихи, қайта таъмирланиш ва йўқолиш арафасида турган бир қатор объектлар бўйича қарор қабул қилиб, альбом, буклет, рисола ва китоблар тайёрлаб, уларни асраб-авайлаш кейинги авлодга етказиш учун барча имкониятларни ишга туширди. Айниқса Навоий вилояти ҳокими Ҳ.Р.Гаффаровнинг 1996 йил 9 сентябрида “Сардоба ва Работи Малик тарихий ёдгорликларини ободонлаштириш, таъмирлаш ва комплекс ривожлантириш туғрисида” қабул қилинган қарорида режали дастур ишлаб чиқилди. Бунда Работи Малик тарихий-меъморий ёдгорлигини биринчи навбатда атрофини ободонлаштириш манзарали дарахтлар ўтқазиш, қазилма ва илмий тадқиқот ишларини жонлантириш, ёдгорлик атрофидаги эски йўлни бузиб, янги лойиҳа асосида сайёҳлар учун йўлакчалар, автомашиналар тўхташи учун махсус майдонлар қуриш, “Работи Малик” чойхонасини қайта

таъмирлаш ва техноген ҳолатини яхшилаш, у ерда “Дамхўжа” сув қувуридан ичимлик суви шаҳобчасини ўтказиш, ёдгорлик комплексини газлаштириш ва замонавий телефон-телеграф алоқа тизими билан таъминлаш каби ишлар назарда тутилди [29]. Аҳамиятлиси шундаки, Работи Малик ёдгорлик мажмуасини ёнидан яъни магистрал йўли ёқасида 200 кишилиқ меҳмонхонани қурилишига, ҳордиқ чиқарадиган сайёҳлар манзили машиналарни ёқилғи билан таъминловчи шаҳобчаларни қурилишига руҳсат берилди. Бу қарорни амалга ошириш учун эса Навоий вилоят ҳокимлигининг 1997 йил 19 февралдаги “Сардоба ва Работи Малик тарихий ёдгорликларини таъмирлаш ва комплекс ривожлантиришни моддий қўллаб қувватлаш тўғрисида”ги қарориди вилоятдаги йирик корхона, ташкилотлар, фирмалар таъсисчилигида ёдгорлик мажмуида савдо ва овқатланиш шаҳобчалари барпо этиш мақсадида “Сардоба” масъулияти чекланган жамият тузилганлигини эълон қилиб, унда 14 таъсисчи ташкилотнинг ташаббуси асосида мазкур жамиятга 15 (ўн беш миллион сўм) маблағ ўтказишлари белгилаб берилди. Навоий тумани ҳокимлиги эса (ҳозирги Кармана туман ҳокимлиги) сайёҳлар манзили комплекси учун 10,5 га ер ажратди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И.А.Каримовнинг 1998 йил ноябр ойида Халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиш арафасида вилоят тарихий обидалари билан танишар экан, айниқса Кармана ва унинг тарихий ёдгорликларига алоҳида эътибор билан қаради. Президентимиз бу йиғилишда Навоийликларга мурожаат қилиб, вилоят тарихи, Карманада жойлашган тарихий обидаларни, зиёратгоҳлар, масжиду мадрасаларни обод қилиш бўйича долзарб вазифани кун тартибининг асосий мавзуларидан бири сифатида қўйган эди [30]. Работи Маликнинг ноёб тарихий-маданий ёдгорлик сифатида кейинчалик ҳам тадқиқ қилиш, сақлаш, ҳамда амалий фойдаланиш мақсадида уни музей-экспозиция объектига айлантириш ҳақида қарор қабул қилинди.



1999-йил 22 июндаги 308-сонли “Навоий шаҳри таркибида Кармана туманини ташкил этиш ва Навоий туманининг янги марказини қуриш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармонида мувофиқ, ҳамда 2003-йил 25-декабрдаги ПФ-3371-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг” Навоий вилояти Навоий шаҳри таркибида Кармана туманини қайта ташкил этиш тўғрисидаги фармонида Навоий вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда ҳомийлар ва бюджет маблағларини жалб этган ҳолда МирСаид Баҳром мақбараси, Ҳазрат Қосим Шайх мақбараси, Работи Малик карвонсаройи ва Сардоба, Мирзочорбоғ ёдгорликларини қайта таъмирлаш бўйича дастур ишлаб чиқиш ва тасдиқланиши тўғрисидаги фармонида имзо чекилган эди.

1999-2000 йилларда Карвонсаройнинг пойдевори консервацияланди. Унинг пойдевори 1 метр баландликда кўтарилиб Самарканд вилояти Каттакўрғон туманида ишлаб чиқарилган силикат пишган ғишт билан қайтадан терилди тартибга келтирилиб фундамент қисмининг шўрланиши олди олиниб махсус кимёвий воситалар билан ишлов берилди, кириш дарвозаси пештоқлари ва деворлари таъмирланди, олд деворларининг асл ҳолини кўрсатиш учун 3,5 метр баландликда қайтадан тикланди икки девор атрофи бўйлаб гулдастасимон минорани қисман намунаси яратилди. 2011 йил 9 июндаги Қ-128-сонли Навоий вилояти ҳокимининг “Навоий вилояти туризм соҳасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги” қарорига мувофиқ[31] ҳудудларда тарихий меъморий обидалар, зиёратгоҳлар, карвонсарой ва бозорларни, табиий жиҳатдан эътиборга молик масканларни қайта таъмирлаб реставрация қилиб, туризм бозорида кенгрок самарали ишларни ташкил этиш тўғрисида алоҳида банд киритилиб ўтилди.

2012-2013 йилларда ўша даврдаги Навоий вилояти Саёҳат ва экскурсиялар бюроси давлат корхонаси ҳозирги (Навоий вилояти туризмни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси) бошлиғи сифатида фаолият олиб борган Баходир Ҳаққуловнинг таъкидлашича, Работи Малик карвонсаройини асл ҳолатида тиклаш ва қайта реставрация қилиш мақсадида Россия давлатининг бир неча ана шундай археологик ёдгорликларга инвестиция киритадиган инвестор тадбиркорлари билан келишувга эришилган. Лекин айрим сабабларга кўра яъни

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари Вазирлиги, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг берган хулоса ва кўрсатмаларига асосан жараён тўхтатиб қўйилган.

Фақатгина улардан бир парча қоғозга жавоб хати келиб тушган. Хатда ёзилишича бу тарихий археологик ёдгорлик ҳисобланиши ва кейинчалик бюджет маблағлари асосида дастурли таъмирланиши, ҳозирча қандай ҳолатда бўлса шундайлигича қолиши тўғрисида қисқача айтиб ўтилган. Ўзбекистон Республикасидаги Тарихий Маданий Архитектура объектларини лойиҳасини яратиш ва асл ҳолатида қайта шакллантириш ишлари билан шуғулланадиган АРХСТРОЙ лойиҳа М Ч Ж раҳбари дизайнер ва лойиҳачи Беширов Ремез билан Навоий вилояти Туризмни ривожлантириш ҳудудий бошқармасининг таклифига биноан Работи Малик карвонсаройини олдинги ҳолатини яратиш бўйича 168 млн сўмлик шартнома имзоланган ва унинг 3- D форматли электрон рақамли лойиҳасини яратишга муваффақ бўлинган.



Работи Малик карвонсаройининг лойиҳачи томонидан яратилган кўриниши



Работи Малик карвонсаройининг қайта тиклаш бўйича янги ва замонавий лойиҳа кўриниши

2017 йилда Работи Малик карвонсаройи, Қосим Шайх зиёратгоҳини қайта таъмирлаш бўйича таъмирлаш ишларига Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамда Маданий меърос бошқармасининг саъйи ҳаракатлари туфайли 1,5 млрд сўмлик маблағ ажратилган. Лойиҳа ишлари ҳажмида кўрсатилишича тарихий ёдгорликнинг атрофлари ободонлаштирилиб, ҳовли ичкарасидаги супаларга юлақлар ётқизирилиши дарвоза атрофлари қайта таъмирланиши кўфий ёзувидаги арабий ёзувлар имкон даражасида таъмирланиши кўрсатиб ўтилган [32].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 9 июнь куни “ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган Ўзбекистон Республикасидаги ҳудудларни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 435-сонли қарорини қабул қилди [33]. Бу қарорга мувофиқ ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ва киритилиши кутилаётган маданий объектлар бўйича таъмирлаш, қайта тиклаш, реставрация, консервация қилиш жараёнлари ЮНЕСКО ҳузуридаги Умумжаҳон мероси қўмитасининг тавсияларига

асосан амалга оширилади. Умумжаҳон мероси қўмитасининг тавсияларини амалга ошириш бўйича 26 та банддан иборат “Йўл харитаси” тасдиқланди ва амалиёт жараёнига киритилди.

Янги қарорга мувофиқ, ишчи гуруҳ конвенция халқаро умумэтироф этилган нормалар ҳамда ЮНЕСКО ҳузуридаги Умумжаҳон мероси қўмитаси тавсиялари, “Тарихий шаҳар манзаралари тўғрисида”ги ЮНЕСКО тавсияномасини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистоннинг миллий қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик норма ва қоидалари, тарихий шаҳарларнинг бош режаларини, шу билан бирга Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган юртимиздаги тегишли ҳудудларни олимлар, халқаро экспертлар, кенг жамоатчилик вакилларини жалб этган ҳолда танқидий таҳлил қилади ҳамда асосланган таклифлар ишлаб чиқади [34].

Навоий вилояти ҳудудидаги тарихий объектларни ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси ёдгорликлари рўйхатига киритиш мақсадида Навоий вилоят Туризмни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси, Навоий вилояти “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш” инспекциясининг саъйи ҳаракатлари таъсирида Кармана туманидаги “Буюк Ипак Йўли”нинг Зарафшон Қорақум қисмида жойлашган “Қосим Шайх”, “Мирсаид Баҳром”, “Работи Малик”, “Сардоба”, Мавлоно Ориф Деггароний” зиёратгоҳлари 2021 йил апрел ойига қадар тўлиқ яқунланиши борасида муҳим тарихий қадам қўйилди. Бу Муҳтарам Президентимизнинг 2019 йил 12-13 март кунлари Навоий вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлари ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган 11-сонли йиғилиш баёнининг 107-бандида ҳам кўрсатиб ўтилгани тарихни янги саҳифасини кашф этди десам айни ҳақиқат.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган навбатдаги Мурожаатномасида яна бир бор тарихий маданий меросларимизни қайта тиклаш, яратиш ва шу орқали туризмни иқтисодий стратегик тармоғига айлантириш устувор вазифа экани, юртимизда 8 минг 200 дан ортиқ маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, улардан атиги 5000 таси туризм маршрутларига киритилганлигини ва ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон моддий маданий мероси ва номоддий маданий мероси рўйхатига янги объектларни киритишни тезлаштириш лозимлигини таъкидлаган эди. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, жорий йилнинг 19 май куни Навоий вилоят ҳокимлиги Буюк Британия қироллигидан ташриф буюрган экспертлар, археологлар Tim Williams, Gai Joraev, Ona Villikis Tamajo ва Gai Jorauevлар томонидан Кармана тарихини ўрганиш ва у ердаги ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси ёдгорликлари рўйхатига киритилаётган объектларни таъмирлаш, ҳамкорликни ҳамда экспертларни жалб қилган ҳолда реставрация ишларини олиб борилиши бўйича музокаралар олиб борди. Ўрта Осиё археологик ландшафт лойиҳасининг тадқиқотчиси Ona Villikis Tamajo ва “Халқаро Марказий Осиё тадқиқотлари институти”нинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси раҳбари Дмитрий Воякин Навоий вилояти ҳокими Қобил Бекназарович Турсунов билан лойиҳанинг умумий қиймати 1100,0 млн сўмлик икки томонлама шартнома имзолади [35].

Биргина 2019 йилнинг май-август ойларида Работи Малик, Сардоба, Деггароний масжиди, Мирсаид Баҳром мақбараси, Қосим Шайх мажмуаси, Нурота чашмаси каби қатор тарихий маданий ёдгорликларни кўришга 1700 нафардан ортиқ туристлар ташриф буюргани, шундан 70 фоизини Европа мамлакатлари вакиллари, 18 фоизи эса илмий изланувчи ва тадқиқотчилар ҳисобига тўғри келганлиги таҳсинга лойиқ.

Навоий вилояти ҳокимлиги, Навоий вилоят прокуратураси, Навоий вилояти Туризмни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси, Кармана туман ҳокимлиги ҳамда Навоий вилоят Ҳунарманд уюшмаси билан биргаликда Навоий М-37 автомагистрал йўли, Работи Малик қарвонсаройи ва Сардоба жойлашган кенг майдонда ҳунармандчилик маҳсулотлари бозори ташкил этилди [36].

“Сардоба” МФЙ ҳудудида жойлашган “Работи Малик Сардобаси” ва “Работи Малик” қарвонсаройи маъморий ёдгорликлар тасарруфида туризмни ривожлантириш ва вилоятимиз ёш ҳунармандларининг миллий қўлда яратилган маҳсулотларини хориждан ташриф буюрган сайёҳлар, меҳмонларга яна бир бор таништириш, туризм савдо йўналишларини яратишни

кўзда тутди. Худуд бўйлаб 4 та хунармандчилик дўконлари ташкил қилинди. Эътиборли томони шундаки, худуднинг тарихий қиёфасини йўқотмаган ҳолда миллий кўринишдаги дўконларда барча қулайликлар яратилганини кўришимиз мумкин бўлди.

Бу гўзал масканлар юртимизнинг миллий ифтихори сифатида дунё сайёҳларига кўз тутиб тургандай гуё. Мазкур худудларни илмий ўрганиш орқали кенг жамоатчиликка тарғиб қилиб бориш сайёҳлик ишлари билан шуғулланувчи ташкилотлар ва музей ходимлари зиммасига улкан вазифалар юклайди. Шу билан бир қаторда шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Навоий вилоятида туризм соҳасини янада ривожлантириш мақсадида ҳукуватимиз томонидан қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят худудида бугунги кунда сайёҳларга хизмат кўрсатувчи 36 та меҳмонхона мавжуд бўлиб, уларнинг 16 таси Навоий шаҳрида, 14 таси Кармана туманида, 3 таси Нурота туманида, 3 тадан Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарларида ташкил этилган. Хусусан, улар орасидан 23 та меҳмонхонада хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар мавжуд. Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда вилоятимиздаги мавжуд меҳмонхоналар бир вақтнинг ўзида 1500дан ортиқ сайёҳга хизмат кўрсатиш қувватига эга.

Хорижий сайёҳларнинг ташрифларини кўпайтириш ва туризмни ривожлантириш учун бу борада ўз ечимини кутиб ётган бир қатор муаммолар мавжуд. Мисол тариқасида, юқорида санаб ўтилган худудлар ва тарихий объектлар бўйича аниқ маълумотлар берувчи сайёҳлик йўналишлари (маршрутлари) ишлаб чиқилмаганлигини ҳамда тарихий объектларнинг бир-бири билан масофанинг олислигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Бунинг оқибатида шаҳар худудларида жаҳон андозаларига мос келувчи меҳмонхоналарнинг етарли бўлишига қарамай маҳаллий ва хорижий сайёҳларнинг сони кутилганидек даражада эмас. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, вилоят худудидаги маданий мерос объектларини Республикамиз туризм маршрути таркибидаги алоҳида янги ташкил этилиши лозим деб топилган “Навоий тарихий ва табиий музейлари ва объектлари” маршрутига киритиш лозим. Бу эса Республикамизнинг ижтимоий ва иқтисодий салоҳиятига ўзининг қўйидагича ижобий таъсирини кўрсатади:

- Навоий вилоятида тарихий-табиий музей кўриқхоналарининг ташкил этилиши вилоятда маҳаллий ва хорижий сайёҳлик тармоқларини ва туризмни ривожланишига жиддий таъсир кўрсатади;

- вилоятда жойлашган маданий мерос объектларининг мунтазам жорий ва мукамал таъмирлашни йўлга қўйиш имкони пайдо бўлади;

- тарихий археологик ёдгорликлар муҳофаза худудлари қатъий назоратга олинади, унинг атрофлари янада ободонлаштирилади. Унинг қаровсизлиги ва эгасизлигига барҳам берилади;

- тарихий худудлар ва зиёратгоҳларга ташриф буюрувчиларга қулайликлар яратилиши натижасида халқаро ва маҳаллий туризм кескин ривожланади ҳамда хорижлик олимлар билан ҳамкорликда вилоятимиз тарихини ўрганишнинг янги йўналишлари пайдо бўлади;

- қўшимча иш ўринлари яъни реставрация мактаби яратилиб, меҳнат бозорида иқтисодий фаол аҳолининг бандлигини оширишга ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришга, худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига кўмаклашади.

Шунингдек ушбу соҳанинг ривожланиши маданий меросларимиздан баҳраманд бўлаётган ёшларда юртимизнинг бой тарихига ҳурмат ва эҳтиром, бадиий эстетик диднинг шаклланишида ҳам ижобий аҳамиятга эга бўлади.

4. Хулосалар:

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси ЮНЕСКО билан ҳамкорликда маданият ва тарихий меросни сақлаш борасида кенг қамровли ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйган. Жумладан, бу борада Ўзбекистондаги кўплаб ёдгорликлар, қадимий, моддий ва номоддий анъаналар ЮНЕСКО рўйхатларига киритилди ва халқаро муҳофазага олинди. Бу тадбирлар миллий қадриятлар ва анъаналарни сақлаб қолиш билан биргаликда Ўзбекистон учун жаҳон ҳамжамиятига янада чуқурроқ қилиб бориш ва янгидан-янги истиқболларни очишда муҳим аҳамиятга эга.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Ҳайтова О., Қурбонов Х. Кармана тарихи. -Тошкент: Машхур – Пресс Нашриёти, 2018. -Б.144-145. (Haitova O., Qurbonov X. History of Karmani. -Tashkent: Mashhur - Press Publishing House, 2018. -P.144-145).
2. Халилов Ш. Карманаю Пирга бой. -Тошкент: Янги китоб нашриёти, 2018. -Б.140-141. (Xalilov Sh. Karmanayu Pirga boy. -Tashkent: New Book Publishing House, 2018. -P.140-141).
3. Халилов Ш Карманаю Пирга бой. -Тошкент: Янги китоб нашриёти, 2018. -Б.140-141. (Khalilov Sh Karmanayu Pirga boy. -Tashkent: New Book Publishing House, 2018. -P.140-141).
4. Аскарлов Ш.Ж Тарихий шаҳар сайёҳлик объекти сифатида. -Тошкент: Ўзбекистон меъморчилиги ва қурилиши, 1987. № 4 сон. (Askarov.Sh.J Historical city as a tourist object. -Tashkent: Architecture and Construction of Uzbekistan, 1987. № 4 issues.)
5. Халилов Ш. Карманаю Пирга бой. -Тошкент: Янги китоб нашриёти, 2018. -Б.140-141. (Khalilov Sh Karmanayu Pirga boy. -Tashkent: New Book Publishing House, 2018. -P.140-141).
6. Ҳайтова О., Қурбонов Х. Кармана тарихи. -Тошкент: Машхур – Пресс Нашриёти, 2018. -Б.144-145. (Haitova O., Qurbonov X. History of Karmani. -Tashkent: Mashhur - Press Publishing House, 2018. -P.144-145)
7. Бартольд В.В. Соч. Т.1. – М., 1963.-С.378 (Bartold V.V. Op. Vol. 1. - М., 1963.-P.378).
8. Сайдов.М.М Қорахонийлар даврига оид ғишт пишириш хумдонлари. УДК: 902.6(575.141) Археология Узбекистана. 2016. № 1 (12) (Saidov.M.M. Kiln kilns of the Karakhanid period. UDC: 902.6 (575.141) Archeology of Uzbekistan. 2016. No. 1 (12)
9. Соловьёв А. Учённая экспедиция К.Ф.Бутенева в Бухару в 1841-1842 гг. При участии натуралиста А.Лемана. М.Л.Из-во АН СССР, 1936.-С.90-95. (Solovyov A. Scientific expedition of K.F. Butenev to Bukhara in 1841-1842. With the participation of naturalist A. Lehman. M.L. Iz-in ANSSSSR, 1936.-P.90-95).
10. Иноятлов.С.И. Амир Темур Работи Маликда. -Тошкент: Шарқ,1998. -Б. 25-26. (Inoyatov S.I. Amir Temur in Rabot Malik. - Tashkent: Shark, 1998. -P. 25-26.)
11. Иноятлов С.И. Амир Темур Работи Маликда. -Тошкент: Шарқ,1998. -Б. 45. (Inoyatov S.I. Amir Temur in Rabot Malik. - Tashkent: Shark, 1998. -P. 45)
12. Иноятлов.С.И. Амир Темур Работи Маликда. -Тошкент: Шарқ,1998. – Б.25-26. (Inoyatov S.I. Amir Temur in Rabot Malik. - Tashkent: Shark, 1998. -P. 25-26.)
13. Немцева Н.Б. Работ-и Малик. В.К.Н: Художественная культура Средней Азии IX-XII века (сборник статей) – Т., 1983. -С.112-124. (Nemtseva N.B. Works and Malik. V.K.N: Artistic culture of Central Asia in the 9th-12th centuries (collection of articles) - Т., 1983. - S.112-124.)
14. Ўзбекистон обидаларидаги битиклар Навоий китоб-альбом. “Ковор Рак” МЧЖ компанияси босмаҳонаси. -Б.116-117. 04.07.2013 й. (Inscriptions on the monuments of Uzbekistan. Book-album Navoi. Printing house of LLC "Kovor Rak". -P.116-117. 04.07.2013)
15. Хасанов А.О Карвонсаройлар меъморчилигини ривожлантириш масалалари. Проблемы архитектуры и строительства Самарканд: 2019 № 2 ,21-25 бетлар. (Khasanov AO Issues of development of caravanserai architecture. Problems of architecture and construction of Samarkand: 2019, pages 21-25.)
16. Мавлонов.У.М Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. -Тошкент: Академия нашриёти, 2008. -Б. 291-311. (Mavlonov.U.M Ancient ways of Central Asia. -Tashkent: Academy Publishing House, 2008. -P. 291-311.)
17. Саломов Р.С. 5580100- “Архитектура” таълим йўналаши бўйича бакалавр даражасини олиш учун “ Навоийдаги Работи Малик карвонсаройини тиклаш” мавзусида битирув

- малакавий иши. – Тошкент, 2018.16-20 бетлар. (Salomov R.S. 5580100- Graduation work on the theme "Restoration of the caravanserai" Work Malik "in Navoi" for the bachelor's degree "Architecture". – Tashkent,2018. Pages 16-20.)
18. Немцева. Н.Б. Работи Малик. Археологическая исследования 1973-1975, 1977 г. Художественная культура. Средней Азии 9-13 вв Ташкент: 1983. -С. 112-142. (Nemtseva. N.B. Work Malik. Archaeological research 1973-1975, 1977 Artistic culture. Central Asia 9-13 centuries Tashkent: 1983. -P. 112-142).
 19. Хмельницкий.С Между арабами и тюрками. -Берлин. Рига-1992. -С. 190. (Khmelnitsky.S Between Arabs and Turks. -Berlin. Riga 1992. -P 190).
 20. Умняков. И.И. Архитектурные памятники Средней Азии. - Тошкент: 1929. -С.18-20. (Umnyakov. I.I. Architectural monuments of Central Asia. - Tashkent: 1929. -P.18-20).
 21. Инояттов.С.И Амир Темур Работи Маликда. -Тошкент,1998. -Б.45. ((Inoyatov S.I. Amir Temur in Rabot Malik. - Tashkent: Shark, 1998. -P. 25-26.)
 22. Засыпкин Б.Н. Работи Малик. Вопросы реставрации. – Москва,1928. (Zasyupkin B.N. Work Malik. Restoration issues. - Moscow, 1928).
 23. Массон М.Е. Проблемы изучения цистерн – Сардоба. -Тошкент: 1935. -С.37. 22. (Masson M.E. Problems of studying tanks - Sardoba. -Tashkent: 1935. -P.37).
 24. Немцева Н.Б. Работ-и-Малик. В кн: Художественная культура. Средней Азии IX-XII века: (сборник статей) – Тошкент: 1983. -С.112-120. (24. Nemtseva N.B. Rabot-i-Malik. In the book: Art culture. Central Asia IX-XII centuries: (collection of articles) - Tashkent: 1983. -S.112-120.)
 25. Мухиддинов Ф. Кармананинг тупроғида олтинлар гуллар...“Дўстлик байроғи”; 2002 йил 26 ноябрь. (1. Muxiddinov F. Golden flowers in the soil of Karmana ... “Flag of friendship”; November 26, 2002.)
 26. Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Тошкент, 1996. -Б.99. (26. Nizamiddin Shamiy. Zafarnoma. - Tashkent, 1996. -B.99.)
 27. Қандаҳаров.А “Бухоро хонлиги ва унда Карманалик шайхлар фаолияти” монография. – Тошкент: Тафаккур қаноти, 2018. -Б. 70-73. (Kandaharov.A monograph "The Bukhara Khanate and the activities of the sheikhs of Karman in it." - Tashkent: Tafakkur qanoti, 2018. -P. 70-73.)
 28. Немцева Н.Б., Новое о Бухарском памятнике XII века. Работ-и-Малике караван-сарай или резиденция? «Ўзбекистон тарихи». - Тошкент: 2000, 1-2 сонлари, 7-13 бетлар. (Nemtseva NB, New about the Bukhara monument of the XII century. Rabot-i-Malike caravan-palace or residence? "History of Uzbekistan". - Tashkent: 2000, issues 1-2, pages 7-13..)
 29. Навоий вилояти ҳокимининг “Сардоба ва Работи Малик тарихий ёдгорликларини ободонлаштириш, таъмирлаш ва комплекс ривожлантириш” тўғрисидаги қарори// 1996 й 9 сентбрь. Навоий ш. (Resolution of the khokim of Navoi region on "Improvement, repair and complex development of historical monuments of Sardoba and Raboti Malik" // September 9, 1996. Navoi city)
 30. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008. -Б.52. (Karimov I.A. High spirituality is an invincible force. -Tashkent: Manaviyat, 2008. -P.52.)
 31. 2011 йил 9 июндаги Қ-128-сонли Навоий вилояти ҳокимининг “Навоий вилояти туризм соҳасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш” қарори. (Resolution of the Governor of Navoi region No. Q-128 of June 9, 2011 "Development and support of tourism in Navoi region").
 32. Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси расмий веб.сайти . (Official website of the State Committee of the Republic of Uzbekistan for Tourism Development).
 33. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 9 июн куни “ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган Ўзбекистон Республикасидаги худудларни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 435-сонли қарори (Resolution of the Cabinet of Ministers

of the Republic of Uzbekistan dated June 9, 2018 No 435 "On the protection of the territories of the Republic of Uzbekistan included in the UNESCO World Heritage List").

34. <http://kun.uz/16970690> Янги қарор: ЮНЕСКО рўйхатидан жой олган Ўзбекистондаги тарихий объектлар муҳофазаси кучайтирилади. (<http://kun.uz/16970690> New resolution: The protection of historical sites in Uzbekistan, which are included in the UNESCO list, will be strengthened).
35. Навоий вилояти ҳокимлиги ва Навоий вилоят “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш” инспекцияси 26.10.2020 й. маълумоти. (Navoi regional khokimiyat and Navoi regional inspection "Protection of cultural heritage sites" 26.10.2020. information).
36. Навоий вилояти Туризмни ривожлантириш ҳудудий бошқармасининг 24.09.202 й берган маълумотномаси. (Reference of the Navoi Regional Department of Tourism Development dated 24.09.202.)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№SI-3 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000